

**ТДШИ “МДХ ва Яқин Шарқ
мамлакатлари иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси
ўқитувчisi Д.С.Салаев**

ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳудудларнинг мавжуд инвестицион салоҳиятини ўрганиб, фойдаланилмаган имкониятларни аниқлашга жалб қилиш, ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, ҳудудлар ўртасида хорижий инвестицияларни мутаносиб жойлашишига эришиш масалалари кўрилган.

АННОТАЦИЯ

В статье на основе изучения опыта развитых стран по привлечению инвестиционного потенциала в свободные экономические зоны сделана попытка выявить тенденции его дальнейшего развития в нашей республике и пути сбалансированного размещения инвестиций.

ANNOTATION

In the article, based on the study of the experience of developed countries in attracting investment potential to free economic zones, an attempt was made to identify trends in its further development in Uzbekistan and the ways of a balanced allocation of investments

Калит сўзлар: инвестициялар, ТТХИ, эркин иқтисодий зоналар, солиқ имтиёzlари, инновациялар, технопарклар, “Навоий” ЭИИЗ.

Ключевые слова: инвестиции, прямые иностранные инвестиции, свободные экономические зоны, налоговые льготы, инновации, технопарки, “Навои” СЭИЗ

Key words: investment, direct foreign investment, free economic zones, tax privilege, innovations, techno parks, “Navoi” free economic-industrial zone

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутади. Бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш, илгор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали рақобатдошлигини ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва

улар малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ҳамда индустрисал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ва охир-оқибат экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун солик сиёсатида имтиёзларни жорий қилиш, давлатнинг индустрисал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга маълум бир имтиёзларни тақдим этиш ва улар учун зарур бўлган инфратузилмавий шароит ҳамда қулайликларни яратиш ана шундай воситалар сирасига киради. Уларнинг барчаси “Эркин иқтисодий зоналар” (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иктисодий тузилмаларда мужассамдир. Улари ташкил этишнинг муҳим жиҳати маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш, бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида эркин иқтисодий зоналардан иқтисодиётни модернизация қилишнинг услуби сифатида фойдаланишdir. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугун эркин иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Дунё тажрибасида ривожланаётган мамлакатлар учун хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг мақбул йўлларидан бири сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш қаралади. Иқтисодий адабиётдан маълумки, эркин иқтисодий зоналари тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида алоҳида тартибот асосида имтиёзлар тизими жорий этиладиган ҳудудлар ҳисобланади.Халқаро ташкилотлар берган маълумотларга кўра бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда салкам 70 миллион киши меҳнат қиласи. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир¹.

Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида биринчи Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона" ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармонига асосан "Навоий" эркин индустрисал-иктисодий зонаси ташкил этилган. Мазкур ҳужжатнинг жаҳон иқтисодий инқизори бутун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда имзолангани эса юртимизда яратилган иқтисодий пойдеворнинг ниҳоятда мустаҳкамлигини ҳам тасдиқлайди. “Навоий” ЭИИЗ мамлакатимизнинг марказий ҳудудида барпо этилгани шубҳасиз, мазкур ҳудуднинг иқтисодий-индустрисал ўсишига ҳам

¹Гулфируз Садикова. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти. injust.uz/uz/press/ourpublications/2014/01/4788/

салмоқли ҳисса қўшди. Шунингдек, мазкур ЭИИЗ “Навоий” халқаро аэропорти билан туташ равища барпо этилгани ҳаво транспортидан кенг фойдаланишга имкон бериш баробарида жаҳондаги етук авиа ҳамда юк ташувчи компанияларнинг назарига ҳам тушди ва давлатимизнинг яна бир йўналиш бўйича мавқеи ошишига олиб келди.

Ўтган давр мобайнида “Навоий” ЭИИЗга хорижий компаниялар томонидан бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.


Хорижий инвесторлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу ЭИИЗда таклиф этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли унга инвестиция киритиб, узоқ муддатли индустрисал лойиҳаларни бошлаганларини билдирулмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (махсус) иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон хўжалик алоқалари учун эркин иқтисодий зоналар халқаро товар айтрабошлишни фаоллаштириш ҳисобига иқтисодий ўсишни тезлаштириш, сармояларни жалб этиш, иқтисодий жараёнларни чуқурлаштириш омили сифатида муҳим рол ўйнамоқда. Махсулотлар божхона ҳудудидан ташқарида деб кўриладиган эркин зонани ўзига хос ташқи савдо акнлави сифатида таърифлаган. 1973 йилги Киото конвенцияси имзоланганидан бери эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларга тарқалди.

Айни пайтда ЭИИЗларнинг жуда кўп турлари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда. “Эркин иқтисодий зоналар” категориясига “эркин савдо зonasи”, “махсус иқтисодий зона”, “махсус индустрисал зона” каби 30 дан зиёд номдаги маҳсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар кириши ҳам бунинг тасдигидир. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЭИИЗларда кутилган самарага эришиш учун уларни қачон, қандай йўналишда ва қандай миқдорда кўллашни аниқ билиш керак. Бу борада айнан шу учта асосий қоидага риоя қилмаслик туфайли уларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собиқ “иттифоқдош” республикаларнинг бир нечтаси ўтган асрнинг 90-йилларида шошма-шошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганларини бир эсга олайлик. ўша даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланишнинг бошланғич босқичида бўлгани ҳисобга олинмаганлиги оқибатида уларга сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермади. Пировардида ЭИИЗларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатди. Бундай муваффақиятсиз ташаббусларга Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон каби давлатлардаги ЭИИЗлар мисол бўлиши мумкин. Мамлакатимизда эса аввало, мақбул иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиёти институтлари ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда 7 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган. Яъни, 2008 йилда ташкил этилган Навоий эркин индустрималь-иқтисодий зона, 2012 йилда ташкил этилган «Ангрен» маҳсус индустрималь зонаси, 2013 йилда ташкил этилган «Жиззах» маҳсус индустрималь зонаси ташил этилган эди. 2017 йил бошида эса Ўзбекистон президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тӯғрисидаги фармонни имзолади. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида "Ургут", Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида "Фиждувон", Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида "Қўқон" ва Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналари ташкил қилинади. Мазкур вилоятлар ҳокимиятлари ва қатор мутасадди ташкилотлар мазкур зоналар учун 2017 йилнинг феврал ойи ўртасигача биргаликда ер участкаларини ажратади ва аниқ ҳудудларини белгилайди. Зоналарнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йил бўлиб, мазкур муддат келгусида узайтирилиши мумкин. Ушбу давр мобайнида ЭИЗларда алоҳида имтиёзли солиқ, божхона ва валюта тизими амал қиласи. Ҳусусан, ЭИЗ иштирокчилари солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади. Масалан, 300 мингдан 3 миллион долларгача маблағ киритилса имтиёзлар уч йилга берилади, 3 миллиондан 5 миллион долларгача бўлса беш йилга, 5 миллиондан 10 миллионгача — етти йилга. Агарда иштирокчи 10 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритса, у 10 йил давомида солиқ ва йифимлардан озод қилинади ва кейинги беш йилда даромад солиғи ва ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкасининг 50 фоизини тўлайди.

Мазкур тадқиқотимизда мамлакат иқтисодиётiga хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, зарурат туғилса эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича Корея Республикаси худудида ташкил этилган Инчон эркин иқтисодий зонаси (Incheon Free Economic Zone) тажрибасини ўрганиш орқали тўпланган бой тажрибани Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган.



1-расм. Инчон эркин иқтисодий зонаси (Incheon Free Economic Zone) да 10 йил мобайнида ўсиш даражаси²

Инчон эркин иқтисодий зонаси 2003 йил 11 августда ташкил этилган бўлиб, унинг ривожланиш стратегияси 2020 йилгача қилиб белгиланган. Мазкур иқтисодий зонанинг умумий майдони 132.9 km^2 ни ташкил этиб, у учта округга, яъни Сонгдо (Songdo) округи (53.4 km^2), Ёнчжон (Yeongjong) округи (61.7 km^2), Чёнгна халқаро шаҳри (Cheongna International City) (17.8 km^2) бўлинган.

Инчон эркин иқтисодий зонасида 10 йил мобайнида 16 та мамлакатдан 73 та Транс миллий корпарация (ТМК)лар инвестиция киритган ва ўз филиалларини шу ерда ташкил этган. Улар томонидан шу вақт ичida 70 миллиард АҚШдоллари миқдорида маблағ киритилган. 2014 йилнинг август ойида 709,361 миллион АҚШ доллари миқдорида рекорд даражада инвестиция киритилган.

Инчон эркин иқтисодий зонасида учта бўлакка бўлинган ва уларнинг ўзига хос ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Кўриб турганимиздек, Инчон эркин иқтисодий зонаси географик нуқтаи назардан дengiz бўйида жойлашган бўлиб, бир қатор қулайликларга эга. Биринчидан, ҳозирги кунда юкларни ташишда дengiz йўли энг арzon транспорт йўли ҳисобланади. Иккинчидан, Инчон эркин иқтисодий зонаси сув йўли бўйича логистик марказ ҳисобланади.

1-жадвал

Инчон эркин иқтисодий зонаси иқтисодий округларининг ўзига хос ривожланиш стратегиялари

Сонгдо округи	Чёнгна халқаро шаҳри	Ёнчжон округида
---------------	----------------------	-----------------

Билим ва ахборот саноат комплекси (Knowledge and information Industrial Complex)	Шаҳар минораси (City tower)	Вангсан сув бўйида дам олиш маркази (Wangsan Marina Yacht Sailing Center)
Юқори технологиялашган саноат кластери (High-tech industrial Cluster)	Робот технологияларини ривожлантириш маркази (Robot Theme Park)	Инчон дунё маркази (Incheon World City)
Инчон янги порти (Incheon New Port)	Инчон юқори технологиялашган саноат комплекси (Incheon High-tech industrial complex)	Автомобиль саноати маркази (BMW Driving Center)
Инчон глобал кампс (Incheon Global Campus)	Шинсегай Савдо комплекси (Shinsegae Complex Shopping Mall)	Корея савдо маркази (Mall of Korea)
Сонгдо халқаро бизнес тумани (Songdo International Business District)	Хана молиявий маркази (Hana Financial Hub)	Инчон халқаро аэропорти (Incheon International Airport)
		Мидан дам олиш маркази (Midan City Integrated Resort)

Ўзбекистонда Корея Республикаси Инчон эркин иқтисодий зонаси тажрибасидан фойдаланиб, «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳудудда хорижий ишлаб чиқарувчилар учун қулай ишбилармонлик мухитини яратиш, уларнинг яшаши ва фаолият юритиши учун зарур бўлган ижтимоий-иктисодий инфратузилмасини ривожлантириш.

2. «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритиши учун ҳудудда ижтимоий-иктисодий инфратузилмани ривожлантириш, улар талабига жавоб берадиган уй-жойлар қуриш, оиласари учун мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, Олий таълим муассасалари, тиббиёт муассасаларини қуриш, умуман олганда, хорижий инвесторларга “ўз уйи”дагидек яшаш шароитини яратиб бериш талаб этилади.

3. Молиявий секторни (банк, фонд ва хомашё биржаси, сугурта компаниялари, кредит ташкилотлари ва бошқалар) ривожлантириш.

Банк-молия инфратузилмасини янада ривожлантириш, йирик фонд ва товар биржаларини ташкил этиш. Бу биржа жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари биржалари яъни, Япониядаги Токио биржаси, Англиядаги Лондон биржаси, АҚШдаги Нью-йорк биржаси билан ҳамкорликда

ишлашини таъминлаш лозим. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасида бундай даражадаги биржалар ташкил этилмаган.

Юқорида номлари келтирилган биржалар қуннинг турли вақтларида ишлашини инобатга олсак, мазкур биржанинг ишлаш самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, худудда ва Марказий Осиё мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг шу ерда олди-сотди операциялари амалга оширилади ва минтақадаги йирик компанияларнинг қимматли қоғозлари котировкалари айнан шу худудда жорий қилинган фонд биржаларида аниқланади. Агар фонд биржалари ривожланадиган бўлса, миллий банк тизимимиз, сугурта компаниялари, хеж фондлар ривожланади.

4. Автомобиль ва темир-йўл транпорти логистикасини ривожлантириш. Ҳозирги кунда ҳаммага маълумки, юкларни ташиш бўйича энг арzon транспорт бўлиб, сув транспорти ҳисобланади. Дунёда денгиз йўлига чиқишида камида 2 та мамлакат чегарасидан ўтадиган 2 та мамлакатдан бири Ўзбекистон ҳисобланади. Ўзбекистонда автомобиль ва темир-йўл транпорти логистикасини ривожлантириш ҳозирги қуннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистонда юкларни ташиш асосан автомобиль ва темир-йўл транспорти орқали амалга оширилади. Жаҳон стандартлари даражасида янги автомобиль йўлларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, хизмат қўрастиш даражасини ривожлантириш, янги темир йўлларини қуриш, ҳудудни республикамизнинг бошқа ҳудудлари билан темир-йўл орқали боғлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Қамчиқ довони орқали ўтадиган туннелнинг ишга туширилиши Ангрен – Поп йўналиши бўйича темир йўл қатновини йўлга қўйиши орқали Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имконини яратади. Бу орқали дунёнинг йирик экспортёр мамлакатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикасини ғарб мамлакатлари билан улаш имкони беради ва уларга хизмат қўрсатиш орқали мамлакатимизнинг транспорт логистикаси янада ривожланади.

5. Юқори инновацион технологиялар технопаркини ташкил қилиш.

Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси тараққиёт босқичига илм-фан, таълим, маданият ва маънавиятга эътибор берганлиги туфайли эришган. Иқтисодий ютуқлар негизида билим, илм-фан ва технологик инновацияларга асосланиб, иш қўриши сабабли жамиятни ривожлантирганлар. Мамлакатни даромади ўртача бўлган босқичдан, даромади юқори давлатлар даражасига олиб чиқишида, тинч ва барқарор жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай иқтисодиётлар юксак билимга, таълим соҳасидаги ютуқларга, энг илғор технологиялар устуворлиги ва тадбиркорлик ғайрат-шижоатига таянади.

Ривожланишнинг инновацион тавсифини таъминловчи илмий ғоялар, тадбиркорлик фаолияти ва ижодий ишланмаларнинг барчаси янгидан-янги инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ молиявий таъминотни тақозо этади.

6. Ахборот технологиялари ва дастурий таъминотни яратишни ривожлантириш.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида илмий техника янгиликлари, ноу-хаулар ва ахборот технологияларига асосланган дастурлар яратишга кенг эътибор қаратиляпти. Бу маҳсулотларнинг қиймати жуда ҳам юқори бўлади. Айрим мамлакатларнинг ЯИМда унинг улуши салмоқли ҳисобланади. Шунинг учун мазкур ҳудудда таълим соҳасини янада ривожлантириш, жаҳоннинг фан техника соҳасида юқори ҳисобланган олий ўқув юртларининг филиалларини ташкил этиш ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, шу соҳа бўйича фаолият юритадиган мутахассисларга давлат томонидан турли кўринишда имтиёзлар бериш керак.

7. Ҳудудда туризм соҳаси имкониятларидан максимал фойдаланиш.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари доирасида учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Европанинг ривожланган давлатлари даромадининг асосий қисми туристик фаолият ҳисобига амалга оширилмоқда. Хусусан, Корея Республикасининг Инчон эркин иқтисодий зонасида туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Жумладан, дам олиш масканлари, оиласий дам олиш марказлари (аквапарк, диснейленд, 3D ва 5D форматли замонавий кинотеатрлар) ва бошқа кўнгил очиш марказлари, жаҳонга машҳур ресторонлар, майший хизмат кўрсатиш мажмуалари ривожланган.

Ҳозирги кунда туризмнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 %дан зиёдни ташкил этади. Бу рақамдан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Инчон эркин иқтисодий зонасида туризм соҳасини ривожлантириш тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида янги дам олиш масканларини жаҳон талаблари даражасида ташкил этиш, туристик хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш лозим.

8. Жаҳон савдо марказларини ташкил этиш (бизнес маркази)

Эркин иқтисодий ҳудудлар бошқа ҳудудларга қараганда бир қатор афзалликларга эга бўлади. Яъни, бу ерда ташкил этилган корхоналарга турли хил кўринишда, маълум бир вақтга имтиёзлар берилади. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ривожланиб, аҳоли даромадларининг ўсишига ва савдонинг ривожланишига шароит яратади. Шунинг учун мазкур ҳудудда савдо марказларини ташкил этишни қўллаб қувватлаш керак. Бунда ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг халқаро ярмаркаларини шу ҳудуднинг ўзида ташкил қилиш, жаҳондаги йирик савдо марказлари билан ҳамкорликда уларнинг филиалларини ташкил этиш, катта савдо Мол (Mall) ларини қуриш.

9. Ҳудудда юқори инновацион таълим марказларини жорий қилиш.

Робот технологияларни қўллаш ва уларни ишлаб чиқаришни жорий қилиш учун биринчи навбатда ҳудудда етарли даражада қулай шароитлар яратиш, ўрни келганда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Илғор фан техника ютукларини ўзида мужассамлаштирган технологияларни ҳудудга жалб этиш ва шу технологияларни янада такомиллаштириш бўйича илмий марказларни ташкил этиш.

Ривожланган мамлакатларда инновациявий жараёнларнинг таҳлилий вазияти шуни кўрсатадики, жаҳондаги ривожланган саккизлик мамлакатлар ҳиссасига дунё бозорида фан сифими юқори маҳсулотларнинг 80 фоизи тўғри келади. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ҳозирда жаҳон бозорида инновациявий технологиялар ва фан сифими юқори маҳсулотларнинг йиллик савдо айланмаси ҳажми 3 трлн. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этиб, унинг экспортидан йилига АҚШ 700, Германия 530, Япония 400 млрд. АҚШ доллари микдорида фойда кўриши статистик маълумотларда келтирилганз.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш бўйича қўйилган вазифаларни бажаришда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари транс миллий компаниялари (ТМК) билан ҳамкорлик қилиш, «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасини жадал ривожлантиришда Инчон эркин иқтисодий зонаси билан алоқаларни ўрнатиш, тажриба алмашиш ва шу худдудда фаолият юритаётган ТМКлар филиалларини «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида ташкил этиш юқори самара беради.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида эришилган ютуқлар билан бирга тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш борасида бир қатор тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Хусусан, инвестиция инфратузилмасининг суст ривожланаётганлиги, Ўзбекистон инвестиациявий имконияти ва жозибадорлигини тавсифловчи жаҳон матбуотида рекламасининг етарли эмаслиги, инвестицияларнинг худудлараво тақсимотида юқори дифференциялашганлиги ва б. Шу нуқтаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

1. Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш ва мавжуд муаммолар ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, худудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиши ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Мамлакатда ҳар бир худуднинг хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, маркетинг тадқиқотларини етарли даражада олиб борилмаётганлиги хорижий инвестициялар оқимига таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Натижада кўплаб ишлаб чиқарилган

³ Содиков З. Иқтисодий таракқиётга замонавий технологиянинг таъсирлари// “Глобал таҳдидлар шароитида миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг инновацион жиҳатлари” мавзуусидаги илмий-амалий семинар материаллари ТошИУ. –Тошкент, 2013. –Б. 25-26.

маҳсулотлар омборларда қолдик бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ, ечимини изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга нисбатан самарали талаб даражасини ошириш нуқтаи-назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида холис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши йўлга қўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентлари ташкил қилиниши лозим.

4. Хорижий инвестицияларни жалб килишнинг худудий таркибида нотекислик сақланиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустрисал минтақалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Қашқадарё вилояти ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жizzах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, республика худудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор муаммолар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги. Шунинг учун банклар, инвестиция фондлари ва лизинг компаниялари фаолиятини янада рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг иқтисодий билим ва бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги. Шунинг учун худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги. Шунинг учун тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиша тијорат банклари, худудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

- маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни худуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги. Шунинг учун хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, худудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир худуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” интернет сайтини яратиш, инвестиция фаолиятига оид республика худудида ва хорижий мамлакатларда конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар ўтказиш.

Айрим худудларимиздаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда бир қатор муаммолар мавжуд. Булар:

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хомашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, ва б.) – ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлик масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;

– инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги – экспортёр корхоналарни узлуксиз равишида электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

– технология ва асбоб-усқуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги – технологикасбоб-усқуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

– корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг, малакасининг етарли даражада эмаслиги – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишлиланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишини мунтазам йўлга қўйиш лозим.